



## Муҳим объектларнинг лойиҳалари намоиш этилди

Тошкент вилояти ҳоқими  
Зойир Мирзаев  
"Янги Ўзбекистон" боғида  
"Nurafshon Business City"  
худудида қурилиши  
режалаштирилган йирик  
объектлар тақдироти билан  
танишди.

Мазкур лойиҳа Нурафшон шаҳрининг за-  
монавий қиёфасини шакллантириш, аҳолига  
қулай шароитлар яратиш ҳамда вилоятнинг  
маъмурий, таълим, тиббиёт ва маданий инфра-  
тузилмасини янги bosқичга олиб чиқишга хиз-  
мат қилади.

Тақдирот давомида худудда қурилиши ре-  
жалаштирилган қатор муҳим объектларнинг  
лойиҳалари намоиш этилди. Хусусан, "Кела-  
жак маркази", кўп тармоқли тиббиёт маркази,  
Тошкент вилояти ҳоқимлиги биноси, вилоят  
давлат архиви, "Ёшлар шаҳарчаси", Мажбурий  
ижро бюросининг вилоят бошқармаси, Мигра-  
ция агентлигининг вилоят филиали, Бадий  
академия мажмуаси, Наркология хизмати бў-  
йича вилоят филиали, Тошкент давлат техни-  
ка университети вилоят филиали ҳамда Илгор  
қасбий маҳорат техникуми каби объектларнинг  
меъморий ечимлари ва функционал имконият-  
лари юзасидан батафсил маълумот берилди.

Вилоят раҳбари ҳар бир лойиҳа бўйича му-  
тасаддилар, меъморлар ва лойиҳа ташкилотла-  
ри вакилларининг ахборотларини тинглаб, би-  
ноларнинг замонавий талаблар асосида барпо  
этилиши, аҳоли учун қулай ва хавфсиз муҳит  
яратилиши, яшил худудлар улушини кўпайти-



риш ҳамда транспорт ва пиёдалар инфратузил-  
маси билан уйғунлигини таъминлаш юзасидан  
ўз тавсияларини билдирди.

Таъкидланганидек, "Nurafshon Business City"  
келгусида давлат идоралари, таълим ва тибби-  
ёт муассасалари, маданият ва хизмат кўрсатиш  
объектларини бирлаштирган замонавий иш-  
билармонлик ва жамоат марказига айланиши  
кўзда тутилган. Лойиҳанинг амалга оширили-



Вилоят санъат саройида қурилиш ишлари авжида.

ши худуднинг инвестициявий жозибадорли-  
гини ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва  
аҳолининг турмуш сифатини яхшилашга хиз-  
мат қилади.

Шунингдек, мутахассислар худудда қурили-  
ши давом этаётган Вилоят санъат саройида ҳам  
бўлди. Қурилиш майдонидаги ишлар ҳолати бил-  
ан яқиндан танишган вилоят ҳоқими пудратчи  
ташкилотлар вақиллари ва қурувчилар билан

суҳбатлашди. Мулоқот давомида қурилиш-мон-  
таж ишларининг сифати, фойдаланилаётган  
қурилиш материалларининг талаб ва стандарт-  
ларга мослиги, белгиланган муддатларга қатъ-  
ий риоя этиш ҳамда меҳнат хавфсизлиги маса-  
лаларига алоҳида эътибор қаратилди. Вилоят  
раҳбари мазкур иншоот вилоят маданий ҳаёти-  
нинг муҳим масканларидан бирига айланиши-  
ни таъкидлаб, қурилиш ишларини сифатли ва

масъулият билан олиб бориш бўйича тегишли  
кўрсатмалар берди.

Қайд этилишича, замонавий меъморий  
ечимлар асосида бунёд этилаётган санъат са-  
ройи турли маданий-маърифий тадбирлар,  
концерт дастурлари ва ижодий учрашувларни  
юқори савияда ўтказиш имконини берадиган  
кўп функцияли мажмуа бўлади.

Ўз мухбиримиз.



## Эски цехлар ўрнида ташкил этилаётган келажак заводлари

Ёш оилага Чирчиқ шаҳридан  
уй олишни маслаҳат беришди.  
У томонларда "дом"лар  
арзонлигини айтишди.  
Келин-куёвга бу таклиф  
маъқул бўлди. Бошланишига  
яшаб турайдик, маблаг тўплаб  
пойтахтдан бошқа уй олишни  
режа қилишди.



Биз ҳозир катта ҳаётга қадам қўйган икки  
ёшнинг ўн йил олдин қабул қилинган қарори  
ҳақида гапирдик. Улар бу тўхтама келганлари-  
нинг биринчи йиллик қаттиқ афсус қилганла-  
рини бугун кулибгина эслайди.  
Илгари Чирчиқ деганда кўпчиликнинг кўз  
олдига улкан саноат корхоналари, тугаётган  
балад мўрилар ва бир замонлардан қолган со-

вуқина ишчилар шаҳарчаси келарди. Очирини  
айтиш керак, яқин-яқингача бу ердаги кўплаб  
цехлар ўз даврини яшаб бўлган, усуналар занг-  
лаб, янги нафасга муҳтож эди. Йилдан-йил-  
га ишсизлик кўрсаткичи ошиб, яшаб шароити  
пастлаб борарди. Ишсизлик ва бекорчилик  
кўпайган жойда эса осойишталик йўқолиши,  
жиноятчилик ортиси табиий.

Чирчиқимиз ҳаётда чин маънода бурилдиш  
нуқтаси 2016 йилда бошланди, — деди меҳнат  
фахрийси Нозим ота Фатхуллоев ЎЗА мухбири  
Ифром Аввалбоевга. — Шаҳарга гўёки янги на-  
фас оралади. Бугун кўчалардаги гавжумликни,  
одамларнинг юзидagi хотиржамликни кўриб  
кўзинг қувнайди. Шаҳарга янгица шиддат олиб  
кирган асосий омиллардан бири бу ерда таш-  
кил этилган бир қанча олий таълим масканлари  
бўлди. Илгари фақат ишчилар макони бўлган  
Чирчиқ бугун ёшлик ва илм-фан энергиясига  
тўлган жонли шаҳарга айланди. Ишламай ётган  
 завод худудлари, эски цехлар ўрнида замона-  
вий технопарклар пайдо бўлди. Илгари уйини  
сотиб, бу ердан узоққа кетмоқчи бўлганлар жуда  
кўп эди. Ҳозир эса, аксинча, ҳамма Чирчиққа  
интиляпти. Сабаби одамларда эртанги кунга  
ишонч пайдо бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 3 фев-  
ралдаги қарори билан "Чирчиқ" кимё-индус-  
триал технопаркиннинг ташкил этилиши ана шу  
турғунликка чек қўйган муҳим қадамлардан  
бири бўлди. Ҳўш, бу лойиҳа оддий одамларга,  
маҳаллий аҳолига нима берди? Келинг, қуруқ  
рақамлардан қочиб, ҳаётий мисоллар билан ту-  
шунишга ҳаракат қиламиз.

Шаҳар марказида йиллар давомида хувул-  
лаб, занглаб ётган майдонларни тасаввур қил-  
линг. Қарорга мувофиқ, ишламай ётган завод-  
лар ўрнида янги иқтисодий худуд яратилди. Бу  
ерни шунчаки ижарага бериш эмас эди. Бу илгор  
бошқарув тизимини жорий этиш йўли эди.

Ташландиқ бинолар бузиб ташланмади, ак-  
синча, лойиҳалаш ва қуришни бир вақтда олиб  
бориш усули билан уларнинг ўрнида замона-  
вий, энергиятежамкор корхоналар қад ростла-  
ди.

Бугун мазкур технопарк кимё маҳсулот-  
ларини чуқур қайта ишлаш, илгор технология-  
ларни жорий этиш ҳамда инвесторлар учун қу-  
лай муҳит яратиш мақсадида хизмат қилмоқда,  
— деди технопарк директори Жасур Мухамма-  
диев. — Умумий майдони 26,4 гектар булган худ-  
удда муҳандислик-коммуникация тармоқлари  
ва замонавий инфратузилма шакллантирилди.  
Лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги аниқ  
рақамларда кўриниб турибди. Жумладан, 2025  
йилда 56 миллион долларлик инвестиция ўз-  
лаштирилиб, 800 дан ортиқ янги иш ўрни яра-

тилди. Йил давомида корхоналар томонидан 150  
дан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Эслатиб ўтиш жоизки, шу йилнинг 2 июнь  
куни Президент Шавкат Мирзиёевга мазкур  
технопарк фаолияти ҳамда кимё саноатини ри-  
вожлантиришга қаратилган истиқболли лойи-  
ҳалар тақдирот қилинди. Давлат раҳбарининг  
шахсий эътиборида турган бу лойиҳа келажакда  
янада катта натижалар бериши аниқ.

Энди оддий одамлар ҳаётига тўхталайлик.  
Ҳар куни сахарлаб Тошкентга қатнаш, йўлга со-  
атлаб вақт ва пул сарфлаш машаққатини кўпчи-  
лик яхши билади. Технопарк корхоналарининг  
ишга тушиши маҳаллий аҳоли, айниқсан, ёш  
мутахассислар ва кимёгарлар учун ўз уйининг  
ёнида, яхши маошли иш топиш имкониятини  
берди.

Шу билан бирга, истиқболдаги режалар ҳам  
улкан. 2030 йилга қадар инвестициялар ҳаж-  
мини 207 миллион долларга, тайёр маҳсулот  
ишлаб чиқаришни 294 миллион долларга, экс-  
портни эса 48 миллион долларга етказиш мўл-  
жалланган. Бунинг эвазига иш ўринлари сони  
яна 2 минг 300 тага кўпаяди.

Бу ўринда кўпчиликни бир савол ўйланти-  
риши табиий. Кимё заводи экологиясига  
зарар етказмайдами? Йўқ, ваҳимага ҳожат йўқ.  
Эски цехларнинг захари тугулари даври ўтди.  
Янги қувватларнинг халқаро стандартларга мос,  
атроф-муҳитга зарар етказмайдиган ва эколог-  
ик жиҳатдан хавфсиз бўлиши қатъий талаб  
этиб қўйилган. Янги шаҳар ҳавосига ортиқча  
юклама тушмайди.

Давлат бу ерга инвесторларни шунчаки  
таклиф қилаётгани йўқ, Уларга жуда катта имти-  
ёзлар берилмоқда. Технопарк ишгирокчилари  
киритилган инвестиция ҳажмидан қатъий назар,  
солиқ ва божхона тўловларидан қулайликлар бе-  
рилган. Бу бизнес учун катта маддидир.

Ушбу лойиҳанинг рўёбга чиқиши натижа-  
сида кундулик ҳаётимизда ишлатадиган минглаб  
кимёвий маҳсулотлар, яъни пластик идишлар-  
дан тортиб, буюқлар, машиий кимё воситалари,  
қурилиш материаллари ва дори-дармон хом  
ашёларининг чет элдан олиб келиниши маълум  
даражада қисқарди.

Шаҳардаги технопаркиннинг бош мақсади  
ҳам аслида шу. Импорт ўрнини босувчи ва энг  
муҳими, хориж бозорида харидоригир бўлган  
юқори қийматли маҳсулотлар чиқаришга ургу  
берилади. Ички бозорда ўзимизнинг маҳсулот  
кўпайса, нарх-наво арзонлашади. Четта сотилса,  
юртимизга валюта кирди. Валюта эса янги мак-  
таблар, йўллар ва шифохоналар демакдир.

Келажак Чирчиққа аллақачон кириб келган.  
Худуднинг янги саноат "юраги" мамлакат иқти-  
содийтини ҳам олдинга бошламоқда.

## Янги Фармон ижроси муҳокамада

Қурилиш ва уй-жой коммунал  
хўжалиги вазирлигида  
Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2026 йил  
4 июндаги "Қурилиш соҳасида  
натигажа асосланган бошқарувни  
жорий этиш ҳамда соҳада давлат  
хизматларини соддалаштириш  
чора-тадбирлари тўғрисида" ги  
ПФ-104-сон Фармони ижросини  
таъминлаш мақсадида  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги  
Бошқарув самарадорлиги  
агентлиги мутасаддилари  
иштирокида давра суҳбати  
ташқириқ этилди.

Унда қурилиш соҳасида амалга оширилаёт-  
ган ислохотларнинг мазмун-моҳияти, натижа-  
га йўналтирилган бошқарув тизимини жорий  
этишнинг устувор йўналишлари ҳамда соҳага  
оид давлат хизматларини аҳолига ва тадбир-  
корлик субъектларига янада қулай, шаффоф  
ва тезкор кўрсатиш масалалари муҳокама  
қилинди.



Ўз мухбиримиз.

ПФ-104-сон Фармони ижросини таъминлаш  
масаласи муҳокама жараёнида.





# Жараёндан натижага: қурилиш соҳасида ислохотларнинг янги модели

Бугунги кунда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси мамлакат иқтисодиётининг стратегик йўналишларидан бири бўлиб, аҳоли турмуш даражасини ошириш, худудларни комплекс ривожлантириш ҳамда замонавий инфратузилмани шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Сўнгги йилларда мазкур соҳада давлат бошқарувини такомиллаштириш, хизматлар кўрсатиш жараёнларини соддалаштириш, рақамлаштириш ҳамда фуқаролар учун қулай ва шаффоф тизим яратишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

**Сардор АБДУЛЛАЕВ,**  
Бошқарув самарадорлиги агентлиги Иқтисодиёт, қурилиш ва транспорт йўналишларида давлат хизмати ва бошқарув самарадорлигини ривожлантириш бошқармаси бош инспектори, иқтисодиёт фанлари доктори (PhD).

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат хизматида бошқарув самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Бошқарув самарадорлиги агентлигининг умумий мувофиқлаштирув остида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликларида ҳамда Янги Ўзбекистон қиёфасидаги туман (шаҳар) мақомидаги 33 та туман (шаҳар) ҳокимликларида тажриба-синов тариқасида натижага асосланган бошқарув тизимини жорий этиш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йилнинг 14 апрель, 6 май ва 10 июнь кунлари ўтказилган йиғилишларда уй-жой қурилиши ва урбанизация соҳасидаги мавжуд муаммолар, хусусан, ортиқча бюрократик тартиб-таомиллар, хизматлар кўрсатиш жараёнларидаги тизимли камчиликлар ҳамда фуқаролар мурожаатларида тезкор ва самарали ечим топиш зарурати алоҳида таъкидланди. Мазкур ҳолатлар соҳада бошқарув механизмларини қайта қўриб чиқиш, давлат хизматларини оптималлаштириш ва натижадорликка йўналтирилган ёндашувларни кенг жорий этиш масаласининг долзарблигини янада оширмоқда.

Бошқарув самарадорлиги агентлиги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда вазирликнинг вазифа ва функциялари доирасида бизнес жараёнлар таҳлили амалга оширилди. Шунингдек, тадбиркорлар, соҳа мутахассислари ва хорижий экспертлар билан интервьюлар ўтказилиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари, тақлифлари ўрганилди. Таҳлиллар соҳада бир қатор тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Жумладан, 2025 йил давомида аҳоли ва тадбиркорлар томонидан қурилиш соҳасида тақдим этилган 17 та давлат хизмати аризаларининг 27 фоизи рад этилган. Танлов асосида ўрганилган аризаларнинг 12,5 фоизи асоссиз рад этилгани эса маъмурий жараёнларда камчиликлар мавжудлигини кўрсатди.

Бу ҳолат маъмурий жараёнларнинг ортиқча мураккаблиги (6 босқичгача), рўхсат олиш муддатларининг узоклиги (3-12 ой), объектларни муҳандислик-коммуникация тармоқлари га улаш учун техник шартларни олиш жараёнларининг шаффоф эмаслиги, қарор қабул қилишда инсон омилнинг юқорилиги каби тизимли камчиликларни намоён қилди. Ушбу муаммолар тадбиркорларнинг ортиқча овор-гарчилиги орттишига, қурилиш жараёнлари секинлашишига ҳамда коррупциявий хавф-хатарларнинг кучайишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қурилиш соҳасида натижага асосланган бошқарувни жорий этиш ҳамда соҳада давлат хизматларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан қурилишга рўхсат олишда тадбиркорларнинг харажатларини 2 баробаргача қисқартириш, соҳада сунъий интеллектни жорий этиш ва давлат хизматларини кўрсатишда инсон омилни камайитириш асосий мақсад сифатида белгиланди.

## "Fast-track" босқичлар: вақт ва харажатларни қисқартириш

Қурилиш соҳасидаги энг катта йўқотишлар вақт билан боғлиқ. Лойиҳалаштириш ва қурилиш жараёнларини қатъий кетма-кетликда амалга ошириш амалда 3-9 ойлик кечикишларга олиб келмоқда.

Шу боис, айрим объектлар учун босқич-ма-босқич ("fast-track") усулни жорий этиш, рўхсат бериш босқичларини 6 тадан 1 тага қисқартириш (қурилишга рўхсатнома ва АРТ хизматини бирлаштириш), бинонинг конструкцияси, зилзилага бардошлилиги ва ёнгин хавфсизлигига таъсир қилмайдиган ўзгаришлар буйича лойиҳаларни шаҳарсозлик экспертизасидан ўтказишда худудий кенгашлар билан қайта келишиш амалиётини бекор қилиш, давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун қўшимча муддат бериш, шаҳарсозлик кенгаши билан келишиладиган ташкилотлар сонини қисқартириш каби чоралар лойиҳаларни амалга ошириш муддатини камида 30-40 фоизга қисқартириш имконини беради.

Фармонга кўра, қурилиш соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун қўшимча 5 иш кўни берилиши ҳамда бинонинг конструкцияси, мустаҳкамлиги ва ёнгин хавфсизлигига таъсир қилмайдиган, қувағин ва мақсади ўзгармаган ҳолда шаҳарсозлик нормаларига зид бўлмаган лойиҳадаги режавий тузилиш (планировка)да ўзгаришлар мавжуд бўлганда ушбу бино лойиҳасини шаҳарсозлик экспертизасидан ўтказишда лойиҳа хужжатларини худудий кенгашлар билан қайта келишиш амалиёти бекор қилиниши белгиланди.

## Инсон капитали: доимий малака ошириш орқали институционал салоҳиятни ошириш

Қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасидаги ислохотларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан раҳбар кадрларнинг замонавий билим ва кўникмаларига боғлиқ. Амалда эса худудий даражадаги раҳбарларда рақамлаштириш, лойиҳаларни бошқариш ва замонавий шаҳарсозлик ёндашувлари буйича амалий тажриба етишмаётганлиги кузатишмоқда. Бу эса, лойиҳа хужжатларининг сифатсиз тайёрланишига ҳамда маҳаллий лойиҳа ва пулрат ташкилотларининг халқаро тендерлардаги иштирокига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу боис, қурилиш-архитектура йўналишида Европанинг илгор Sapientia (Италия) ва Вена (Австрия) университетлари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурларини ташкил этиш, туман (шаҳар) бўлинмалари ҳамда лойиҳа ташкилотлари кадрларини ривожланган давлатларга стажировкага юбориш ва уларнинг янги билим ҳамда кўникмаларини амалиётга таъбиқ этиш буйича тизим яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Фармонга кўра, Бошқарув самарадорлиги агентлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси 2026 йил якунига қадар марказий аппарат ва тизим ташкилотлари ходимлари ҳамда лойиҳа ташкилотлари мутахассислари учун шаҳарсозлик, архитектура ва қурилиш соҳаси ривожланган илгор хорижий давлатларда стажировкаларни ташкил этиш белгиланди. Бунда, стажировка дастурининг аниқ мақсад ва натижаларга йўналтирилганлиги, амалий кўникмаларга устуворлик берилганлиги, олинган тажрибани маҳаллий шароитга мослаштириш ҳамда стажировка якунида амалиётга жорий этиш режаларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилиши қайд этилган.

## Халқаро тажриба: рақамлаштириш – ҳал қилувчи омил

Халқаро тажриба қурилиш соҳасида самарадорлигини оширишда рақамлаштириш ҳал қилувчи омил сифатида намоён бўлаётганини кўрсатмоқда. Мисол учун, Туркияда рўхсат бериш жараёнлари 1-3 ойда якунланади, Кореяда Сеумтер платформаси орқали барча келишувлар 20 кун ичида амалга оширилади. Бу тажриба Ўзбекистонда "битта ариза – бир тўлов" тамойили асосида техник шартларни олиш ҳамда аризаларни онлайн мониторинг қилиш тизимини ҳамда давлат хизматларини кўрсатишда сунъий интеллектни жорий этиш зарурлигини кўрсатади.

Хужжатга асосан, 2026 йил 1 июндан объектларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улашни "битта ариза – бир тўлов – барча улашни нуқталари" тамойили асосида композит шаклда амалга ошириш ҳамда объектларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш учун техник шартларни бериш жараёнлари бош режа рақамлаштирилган аҳоли пунктларида тўлиқ инсон омилсиз амалга ошириш тартиби белгиланди.

## Муаммолар диагностикаси ва ечимини қутаётган масалалар

Соҳада ислохотлар натижадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган жараёнларнинг тўлиқ рақамлаштирилмагани, маълумотлар интeграциясининг етарли эмаслиги, кадрлар муҳандисликнинг чеклангани, норматив-ҳуқуқий базанинг амалдаги талабларга мослашувчан эмаслиги каби муаммолар сақланиб қолмоқда.

Тақлиф этилган чора-тадбирларнинг тўлиқ амалга оширилиши натижасида рўхсат бериш муддатлари 7 баробарга қисқаради, инвестициялар ҳисобига қурилиш жараёнларини параллел равишда олиб бориш орқали лойиҳаларни ишга тушириш жадаллашади ҳамда давлат хизматларида сунъий интеллектнинг жорий этилиши инсон омилни камайитириб, аризалар мониторинги орқали соҳада шаффофлик ва ҳисобдорликнинг орттишига хизмат қилади.

"Қурилиш соҳасида натижага асосланган бошқарувни жорий этиш ҳамда соҳада давлат хизматларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон қурилиш соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига қўрсатилаётган хизматларни соддалаштириш, шунингдек, мавжуд бюрократик тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилади. Мазкур хужжат қурилиш соҳасини тубдан ислох қилиш жараёнида асосий эътиборни маъмурий тартиб-таомилларга эмас, балки аниқ ва ўлчаб бўладиган якуний натижаларга қаратилган бошқарув тизимини шакллантиришга йўналтирилган билан алоҳида аҳамият касб этади.

Фармонда назарда тутилган чора-тадбирларнинг ўзаро уйғун ва яхлит механизм сифатида амалга оширилиши, натижага асосланган бошқарув моделининг жорий этилиши нафақат қурилиш соҳасининг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишига, балки давлат бошқаруви тизимини модернизация қилиш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим стратегик қадам ҳисобланади.

# Халқ манфаатларини таъминлашнинг муҳим омили

Бугунги кунда мурожаатлар билан ишлаш нафақат қонунчилик талабларини бажариш, балки аҳоли кайфиятини ўрганиш, уларни ўйлантираётган муаммоларни аниқлаш ва амалий ечим топишнинг муҳим воситасига айланди. Шу маънода, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири, унинг орзу-интилишлари ва қонуний манфаатлари мужассам эканини унутмаслик муҳим аҳамият касб этади.

**Абдуваҳоб АБДУМАЛИКОВ,**  
"Ўзбекгидроэнерго" АЖнинг Мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул раҳбари.

"Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамиятида ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш масаласи доимий эътибор марказида бўлиб, ҳар бир мурожаатни қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда қўриб чиқиш, уларнинг ижросини таъминлаш ҳамда мурожаатчилар розилигига эришиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

2026 йилнинг ўтган беш ойи якунига кўра, Жамиятга жами 84 та мурожаат келиб тушган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10 тага камайган. Мазкур ҳолат аҳоли билан манзилли ишлаш тизимини самарадорлиги ошиб бораётгани, мурожаатларда кўтарилаётган масалаларнинг ўз вақтида ҳал этилаётгани ҳамда профилактик ишлар натижадорлиги юксалаётганини кўрсатади.

Келиб тушган мурожаатларнинг тахлили уларнинг асосий қисми электрон шаклда қабул қилинганини кўрсатмоқда. Жумладан, 46 та ёки 53,8 фоиз мурожаат электрон шаклда, 30 та ёки 35,7 фоиз ёзма, 8 та ёки 10,5 фоиз оғзаки тарзда келиб тушган. Бу эса рақамли технологиялар ҳаётимизга тобора чуқур кириб бораётгани ва аҳолининг электрон мурожаат имкониятларидан кенг фойдаланаётганини аниқлатади.

Энг муҳими, ҳисобот даврида келиб тушган мурожаатларнинг 72 фоизи ижобий ҳал этилган. Аниқроқ айтганда, 61 та мурожаат бўйича амалий чоралар қўрилган ва муаммоларнинг ечими таъминланган. Қолган мурожаатлар бўйича эса амалдаги қонунчилик нормалари асосида тушунтиришлар берилган. Бу кўрсаткич мурожаатларни қўриб чиқиш жараёнида ҳар бир масалага масъулият билан ёндашилаётгани ҳамда мурожаатчилар билан очиқ ва самарали мулоқот йўлга қўйилганини тасдиқлайди.

Мурожаатлар мазмуни таҳлил қилинганда, жисмоний шахслардан 41 та ариза, 20 та шикоят ва 21 та тақлиф келиб тушгани кузатилади. Шунингдек, юридик шахслардан 2 та тақлиф қабул қилинган. Бу эса фуқаролар нафақат ўзларини қизиқтираётган масалалар юзасидан мурожаат қилаётгани, балки жамият фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар ҳам билдириб келаётганини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали келиб тушаётган мурожаатлар ҳам аҳоли билан мулоқотнинг муҳим механизми сифатида хизмат қилмоқда. Ҳисобот даврида мазкур платформа орқали 30 та мурожаат келиб тушган бўлиб, улар жами мурожаатларнинг 35,7 фоизини ташкил этган. Уларнинг 18 таси ижобий ҳал этилган, 8 таси бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилган ва 4 таси ваколат доирасида қўриб чиқиш учун тегишли ташкилотларга юборилган.

Мурожаатлар билан ишлаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳоли мурожаатлари билан ишлашни янада такомиллаштиришга қаратилган фармон ва қарорлари ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ҳар бир мурожаат назорат олинди, унинг ижро ҳолати мунтазам мониторинг қилинади. Қўтарилган масалаларни чуқур таҳлил қилиш орқали тизимли муаммоларни аниқлаб, уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш бўйича тегишли чоралар қўрилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, "Ўзбекгидроэнерго" АЖда мурожаатлар билан ишлаш тизимини қонунийлик, очиқлик ва ижро интизоми тамойиллари изчил таъминланмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг мурожаатларини ўз вақтида қўриб чиқиш ва ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар аҳоли розилигини таъминлаш ҳамда халқ билан очиқ мулоқотни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

# Йўл қурилишида пластик чиқиндилардан фойдаланилади



Замонавий технологиялар асрида яшар эканмиз, ҳар сонияда бир янгиликка кўзимиз тушади. Уй-жойлар барпо этишдаги замонавий услублар ва технологиялардан бугун йўл қурилишида ҳам самарали фойдаланилмоқда. Бу борада янги тадқиқотлар, янги маҳсулотлар ва замонавий услублар яратилиб, амалиётга кенг жорий этилаётгани қувонарли.

**Райҳона ХҲЖАЕВА,**  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Хусусан, экофаол Муқаддам Бекмурадова томонидан "Эко асфальт" мавзусида стартап лойиҳаси ишлаб чиқилган. Мазкур лойиҳа ҳозирда қайта ишланмайдиган пластик чиқиндиларни қайта ишлаш орқали ундан эко-асфальт тайёрлашда фойдаланишни кўзда туттади. Бунинг натижасида йўл инфратузилмасида асфальтнинг сифат кўрсаткичларини сезиларли даражада яхшилаш мақсад қилинган.

Ушбу лойиҳа давлатимиз раҳбарига тақдим этилган бўлиб, ташаббусларнинг амалий натижасига алоҳида эътибор қаратиш, муаллифлар билан бирга ишлаб, ҳар бир лойиҳани ҳаётини,

иқтисодий самара берадиган ва одамларга фойда келтирадиган ечимга айлантириш муҳимлиги таъкидланган эди.

Лойиҳа доирасида ҳозирги вақтда қайта ишланмаётган пластикнинг айрим турларини қайта ишлаш орқали битум таркибига қўшиш назарда тутилган. Ушбу ёндашув нафақат экологик жиҳатдан самарали, балки атроф-муҳитга салбий таъсирни камайитиришга ҳам хизмат қилади. Қайта ишланган материаллар асфальт таркибига тўлдирувчи компонент сифатида қўлланилади. Техник жиҳатдан олиб қаралганда, "Эко асфальт"нинг мустаҳкамлиги анъанавий асфальт йўлларига нисбатан 2-3 баробар юқори натижаларни кўрсатмоқда.

Шунингдек, лойиҳа жараёнида Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорлик йўли қўйилган. Агентлик директори Шарифбек Ҳасанов "Есо Ехро-2026" кўргазмаси доирасида лойиҳа ташаббускори билан учрашиб, зарур амалий ва техник жараёнлар юзасидан фикр алмашди. Зарур тавсияларни бериб, маҳсулотнинг тайёрланишида қиммат қўшимча ва соҳа вакиллари иштирокида аввало, пластик чиқиндилар морфологиясини ўрганиш ҳамда замонавий лабораторияларда халқаро стандарт ва амалдаги талаблар асосида синов ишлари олиб борилишида қўмақлашни ҳақиқда айтиб ўтди.

Дастлабки натижаларга кўра, лойиҳа 4 та асосий параметр бўйича олдий асфальт йўлларига нисбатан юқори кўрсаткичларни намоён этмоқда. Хусусан, сув шимши даражаси анъанавий асфальтларда 1-4 фоиз орттириш бўлса, "Эко асфальт"да бу кўрсаткич 0,25 фоизни ташкил этади. Бу эса, белгиланган метрлардан анча юқори сифат даражасини аниқлатади.

Самарқанд вилояти ҳокимлигининг "Ягона буюртмачи хизмати" ДМ жамоаси томонидан барпо этилаётган объектлар.



## Қурувчиларнинг фидокорона меҳнати

Элмурод СУЯРОВ,

Самарқанд вилояти ҳокимлигининг "Ягона буюртмачи хизмати" ДМ директори ўринбосари.

Бугунги кундаги қурилиш бунёдкорлик соҳасидаги ўзгаришлар, бунёдкорлар меҳнати қадрлаш, уларнинг самарали ишлаши учун қулай имкониятлар яратилиши, маҳаллий шароитда тайёрланган қурилиш материалларини кўпайтириши ҳукуматимизнинг доимий эътиборида. Шу боис, қурилишдаги ҳар қандай муаммонинг ечимини топишга эътибор қаратилиб, салмоқли натижаларга эришилмоқда.



Айни пайтда вилоятимиздаги қурилиш-бунёдкорлик ишлари ҳақида гап кетса, бемалол салмоқли натижаларга эришилаётганини таъкидласак, арзийди. Соҳада ўтган йилда қўлга киритилган айрим кўрсаткичларга эътибор қаратсак, Самарқанд вилояти ҳокимлигининг "Ягона буюртмачи хизмати" ДМ буюртмачилигида 325 та 1 193,1 миллион сўм маблағ эвазига қурилиш, реконструкция, мукамал таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бажарилгани режалаштирилган эди. Бунёдкорлар йил давомида ваъдаларига вафо қилиш мақсадида ғайрат кўрсатишди. Натижада янги-янги иншоотлар ишга туширилди, замонавий биноларнинг барпо этилиши туфайли ҳудудлар кўрқига кўрк қўшилди.

Жумладан, Президентимизнинг 2024 йил 25 декабрдаги 454-сонли қарори асосида 23 та ижтимоий соҳа объектларида 313,20 миллион сўмлик шартномаларнинг бажарилиши расмийлаштирилган бўлиб, амалда 28 объектдан 24 тасида қурилиш-монтаж ишлари тугатилиб, фойдаланишга топширилган. 4 та объектда қурилиш ниҳояланиши тегишли қарор асосида йилдан-йилга ўтказилган. 34 та лойиҳа маҳаллий бюджет ва бошқа маблағлар ҳисобидан 85,30 миллион сўмга шартнома расмийлаштирилган бўлиб, бу объектларнинг ҳаммасида қурилиш-монтаж ишлари тугатилиб, фойдаланишга топширилган. Ташаббусли бюджетнинг биринчи босқичида 73 та лойиҳага 100,13 миллиард сўмлик шартнома расмийлаштирилиб, уларнинг барчасида қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказилган.

Булардан ташқари, ташаббусли бюджетнинг иккинчи босқичида 63 та лойиҳага 87,13 миллиард сўмга тенг бўлган шартнома расмийлаштирилган ва уларнинг 8 тасида қурилиш-монтаж ишлари тугалланган. Қолган объектларда эса қурилиш ишлари давом эттирилмоқда. Бундай юмушлар Президентимизнинг 2024 йил 24 мартдаги 141-сонли қарори асосида олиб борилмоқда.


Муассасамиз томонидан амалга оширилган ишлар ҳақида гап кетганда, Имом ал-Бухорий мажмуаси бўйича бажарилган ишлар ҳақида ҳам тўхталмасдан бўлмайдими. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги 214-сонли қа-

рори асосида бу ерда 2 122,3 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилди. Жорий йилда ушбу объект фойдаланишга топширилди. Бунёдкорлик ишларидан кейин ёдгорлик мажмуасининг қиёфаси бутунлай ўзгарди. Азалдан буюк алломалар, муҳаддислар, фақиҳлар ва мутафаккирлар етишиб чиққан юрт, ислом цивилизацияси ривожига беқиёс ҳисса қўшган муқаддас диёрнинг қурувчилар меҳнати туфайли фаизи янада ошди.

2026 йилда режалаштирилаётган ишлар қўлами янада кенг. "Ягона буюртмачи хизмати" давлат муассасаси буюртмачилиги асосида 278 та 1 208,64 миллиард сўм маблағга қурилиш, реконструкция, мукамал таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бажарилиши мўлжалланган. Жумладан, бу маблағнинг 1 159, 440 миллиард сўми Президентнинг 2025 йил 27 декабрдаги 393-сонли қарори бўйича ажратилган бўлиб, 249 та объектда қурилиш, реконструкция ҳамда мукамал таъмирлаш ишларини амалга оширишга мўлжалланган. Бундай объектлар сирасига жойлардаги умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари, олий таълим юрталари ва бошқа объектларни қиритиш мумкин. Қолган 244 та объектдан 235 таси бўйича белгиланган тартибда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, пудрат ташкилотлари аниқланиб, шартномалар расмийлаштирилган ҳамда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда.

Хуллас, айтиш мумкинки, маҳоратли қурувчилар ғайрат-шижоати туфайли юртимизнинг ҳар қадами гулзорга, эътиборли масканларга айланмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг кундан кунга чирой очиб бораётгани, аҳоли турмуш тарзининг яхшиланаётгани барчага маълум. Бунда миллий анъаналаримизга кенг йўл берилганлиги, қадриятларимиз қадрланаётганлигининг ҳам муносиб ўрни бор.

Бугунгидек улғу айём қунарларини кенг нишонлаш бунёдкорларга ҳам хос ҳислат. Улар байрам арафасида халқимиз учун қанчадан қанча турар жой биноларини қуриб, фойдаланишга топширадилар. Уларнинг бундай меҳнатлари мамлакатимиз раванглиги, юртимиз ободлигига қўшилаётган бир ҳиссадир.



# Келажак бунёдкорлиги

## нималарга боғлиқ?

Бугун аҳоли сонининг ортиши, шаҳарлашув жараёнининг жадаллашуви, инфратузилмага бўлган талабнинг кескин ошиши қурилиш саноатини тубдан ўзгартиришни тақозо этмоқда. Эндиликда бу соҳа оддийгина ғишт, бетон ва темир асосидаги анъанавий тизимдан чиқиб, юқори технологиялар билан уйғунлашган мураккаб, инновацион индустрияга айланмоқда.

Абдуҷаббор АЛИҚУЛОВ,  
"O'zbekiston bunyodkori" муҳбири.

Сўнгги йилларда қурилиш жараёнлари сўнгий интеллект, робототехника, 3D босма технологиялар, рақамли моделлаштириш, экологик ечимлар ва бошқа илғор инновациялар кириб келиши натижасида бутун тизим қайта шаклланди. Бу ўзгаришлар нафақат қурилиш тизими ва сифати, балки иқтисодий самарадорлик, экологик барқарорлик ва инсон ҳафсизлигига ҳам бевосита таъсир кўрсатмоқда.

### Муаммо ва янги талаблар

Ҳар қандай инновация эҳтиёждан туғилади. Қурилиш соҳасида ҳам бир қатор долзарб муаммолар мавжуд бўлиб, улар янги технологияларни жорий этишга сабаб бўлмоқда.

Аввало, глобал миқёсда ишчи кучи танқислиги сезилмоқда. Қўлбанд ривожланган давлатларда малакали қурувчилар сони камайиб бораётган. Бу эса, қурилиш муддатларининг чўзилиши ва харажатларнинг ошишига олиб келмоқда. Иккинчидан, қурилиш материаллари нархининг ўсиши ҳам муҳим муаммолардан биридир. Айниқса, пандемиядан кейинги даврда логистика занжирларининг бузилиши натижасида материаллар нархи сезиларли даражада ошди. Учинчидан, экологик талаблар кескин кўчмоқда. Эндиликда қурилатган ҳар бир бино нафақат мустаҳкам ва қулай, балки экологик жиҳатдан ҳавфсиз, энергиятежамкор ва барқарор бўлиши талаб этилмоқда.

Қолаверса, вақт омилли тобора муҳимлашмоқда. Замонавий иқтисодиёт шароитида тезкор қурилиш компанияларнинг рақобатбардошлигини белгилловчи асосий омиллардан бирига айланган. Ана шу муаммолар қурилиш соҳасини янги технологиялар сари етказмоқда.

### Сўнгий интеллект – қурилишнинг "ақлли мияси"

Сўнгий интеллект бугунги кунда қурилиш саноатининг энг муҳим инновацион элементларидан бирига айланди. У лойиҳалашдан тортиб, қурилиш жараёнини бошқаришга бўлган барча босқичларда қўлланилмоқда. СИ ёрдамида қурилиш лойиҳалари олдиндан таҳлил қилинади, рисклар аниқланади ва оптимал ечимлар таклиф этилади. Масалан, сўнгий интеллект алгоритмлари лойиҳа бюджетини аниқ ҳисоблаб, ортқича харажатларнинг олдини олишга ёрдам беради. Бундан ташқари, СИ қурилиш майдонларида ҳавфсизликни таъминлашда ҳам муҳим рол ўйнайди. Камералар орқали олинган тасвирлар реал вақт режимда таҳлил қилиниб, ҳавфли вазиятлар олдиндан аниқланади. Натижада инсон омилга боғлиқ хатоликлар камайтириб, иш унумдорлиги ошади ва қурилиш жараёни самаралироқ бўлади.

### БИМ – бунёдкорликда янги босқич

Қурилиш саноатида энг катта ўзгаришлардан бири БИМ (Building Information Modeling) технологиясининг жорий этилишидир. БИМ ёрдамида бионинг тулиқ рақамли модели яратилади ва у лойиҳанинг барча босқичларида ишлатилади.

Шу боис, робототехника қурилиш самардорлигини оширишда муҳим омилга айланмоқда. Мутахассислар фикрига кўра, яқин келажакда қурилиш майдонлари қисман ёки ҳатто тулиқ автоматлаштирилган тизимлар асосида



тижасида самарадорлик ошади. Бундан ташқари, бугунги кунда "рақамли эгизак" (Digital Twin) технологияси пайдо бўлди. Бу реал объектнинг виртуал нусхаси бўлиб, у орқали бино ҳолатини реал вақт режимда кузатиш мумкин. Бу эса, хизмат кўрсатиш харажатларини камайтиради ва бионинг узоқ муддатли самарадорлигини оширади.

### 3D принтинг – илғор инновация

3D босма технологиялар бугунги кунда қурилиш соҳасида туб бурилиш ясаётган энг илғор инновациялардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Ушбу усул орқали турли бинолар ва иншоотлар махсус қурилмалар ёрдамида қатламма-қатлам тарзда барпо этилади. Натижада қурилиш жараёни анъанавий усулларга нисбатан анча тезлашади, ортқича чиқиндилар сезиларли даражада камайтирилади ва архитектура нуқтаи назаридан янада эркин ҳамда мураккаб дизайнларни амалга ошириш имконияти кенгайди.

Шунингдек, бу технология умумий қурилиш харажатларини қисқартиришга ҳам хизмат қилади. Бугунги кунга келиб, дунёнинг турли ҳудудларида 3D принтерлар ёрдамида бутун бошли турар жой мажмуалари барпо этилаётгани ушбу йўналишнинг амалий самардорлигини яққол намоён этмоқда. Айниқса, арзон ва тез қуриладиган уй-жойларга бўлган эҳтиёжнинг қондиришга ушбу технологиялар муҳим ечимлардан бири сифатида қаралмоқда.

### Модуль қурилиш – тезлик ва сифат уйғунлиги

Модуль қурилиш технологияси замонавий қурилиш амалиётида кенг қўлланилаётган самарали ёндашувлардан бири ҳисобланади. Мазкур усулга кўра, бионинг алоҳида қисмлари аввал махсус завод шароитида тайёрланади ва кейинчалик улар қурилиш майдонига олиб келиниб, ягона конструкция сифатида йиғилади.

Бундай ёндашув қурилиш жараёнини сезиларли даражада тезлаштиради, чунки кўплаб ишлар параллел равишда амалга оширилади. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш жараёнининг завод шароитида олиб борилиши сифат назоратини янада кучайтиради ҳамда ташқи омиллар, хусусан, об-ҳаво шароитига боғлиқликни камайтиради. Ҳозирги кунда кўплаб замонавий меҳмонхоналар, турар жой мажмуалари ва офис бинолари айнан модуль қурилиш технологияси асосида барпо этилаётгани унинг амалий самардорлигини яққол кўрсатиб турибди.

### Робототехника ва автоматлаштириш

Қурилиш соҳасида робототехниканинг жорий этилиши тобора кенгайиб бораётгани ушбу тармоқнинг технология жиҳатдан янги босқичга кўтарилаётганидан далолат беради. Замонавий роботлар ғишт териш, бетон қуйиш, пайвандлаш каби мураккаб ҳамда ҳавфли жараёнларни бажаришда инсон меҳнатини сезиларли даражада енгиллаштирмоқда. Уларнинг қўлланилиши ишларнинг юқори аниқликда бажарилишини таъминлайди, узлуксиз фаолият юритиш имконини беради ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида ҳавфсизлик даражасини оширади.

Шу боис, робототехника қурилиш самардорлигини оширишда муҳим омилга айланмоқда. Мутахассислар фикрига кўра, яқин келажакда қурилиш майдонлари қисман ёки ҳатто тулиқ автоматлаштирилган тизимлар асосида

фаолият юритадиган инновацион маконларга айланиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

### Дронлар – назорат ва мониторинг воситаси

Дронлар бугунги кунда қурилиш жараёнининг ажралмас назорат воситаларидан бирига айланиб улгурди. Улар ёрдамида ер ўлчами ишлари юқори аниқликда амалга оширилади, қурилиш жараёни доимий равишда кузатиб борилади ҳамда объектларда ҳавфсизлик талабларига риоя этилиши самарали назорат қилинади.

Дронлар орқали йиғилган тезкор ва аниқ маълумотлар лойиҳа бошқарувини анча енгиллаштириб, қарор қабул қилиш жараёнини тезлаштиради. Натижада қурилиш ишлари янада тартибли, шаффоф ва самарали ташкил этилади.

### Экологик қурилиш – ҳаёт талаби

Ҳозирда қурилиш соҳасининг устувор йўналишларидан бири экологик барқарорликни таъминлашга қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан, "ақил қурилиш" концепцияси кенг жорий этилиб, у энергиятежамкор технологияларни қўллаш, қайта тикланувчи ва экологик тоза материаллардан фойдаланиш ҳамда карбон чиқиндиларини камайтиришга хизмат қилувчи ечимларни ўз ичига олади.

Мазкур ёндашув нафақат атроф-муҳитни муҳофиза қилиш, балки узоқ муддатли иқтисодий самарадорликни таъминлашга ҳам қаратилган. Шу боис, бугунги кунда кўплаб мажмуаларда экологик стандартларга жавоб берадиган биноларни қуришга чекловлар жорий этилган бўлиб, бу ҳолат қурилиш компанияларини янада масъулиятли ва инновацион ёндашувларга ўтишга ундамоқда.

### Виртуал қурилиш имкониятлари

Виртуал ва кенгайтирилган реаллик технологиялари қурилиш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқмоқда.

Ушбу инновацион воситалар ёрдамида лойиҳалар ҳали амалда қурилмасдан турли синовдан ўтказилади, буюртмачига эса келиб-қаддаги бино тулиқ ва реалистик кўринишда тақдим этилади. Бу жараён дизайн ва режалаштириш босқичидаёқ амалга келиши мумкин бўлган камчиликларни аниқлаш имконини беради. Натижада хатоликлар эрта босқичда бар-тафат этилиб, ортқича харажатларнинг олди олинади ҳамда қурилиш жараёни янада самарали ва пухта ташкил этилади.

### Соҳанинг иқтисодий истиқболлари

Экспертларнинг прогнозига кўра, яқин йилларда қурилиш бозори барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолади. Бунга бир қатор муҳим омиллар таъсир кўрсатмоқда: аввало, урбанизация жараёнининг жадаллашуви янги турар жой ва инфратузилмага бўлган талабни оширмоқда. Шунингдек, йирик инфратузилма лойиҳаларининг амалга оширилиши ва давлат томонидан ажратилаётган инвестициялар ҳажмининг ортиб бориши соҳа ривожига кучли туртки бери-моқда.

Булар билан бир қаторда, замонавий технология инновацияларнинг кенг жорий этилиши қурилиш жараёнларини янада самарали ва тезкор бўлишини таъминламоқда. Мутахассислар фикрича, келажакда "ақлли шаҳарлар" концепцияси ушбу соҳанинг асосий йўналишига айланиб, қурилиш жараёнларини рақамлаштириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва яшаш муҳитини янада қулайлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Қурилиш соҳаси бугунги кунда туб ўзгаришлар даврини бошдан кечирмоқда. Инновацион технологиялар ушбу соҳани янада тезкор, самарали ва экологик жиҳатдан барқарорлашувига хизмат қилмоқда. Сўнгий интеллект, 3D принтинг, робототехника, БИМ ва бошқа илғор ечимлар қурилишнинг келажакни белгилаб бермоқда. Бу эса, нафақат янги имкониятлар, балки янги талабларни ҳам юзага келтирмоқда.



## Ичимлик суви ва оқова тизимлари эътиборда

Фаргона вилояти Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматлари устидан тизимли назорат олиб борилмоқда. Хусусан, 2026 йилнинг 1-чораги ҳамда апрел ойи давомида бу борада қатор муҳим ишлар амалга оширилди.

**Мирзохид ИСАҚОВ,**  
Фаргона вилояти Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари.

Хисобот даврида ичимлик суви сифати устидан қатъий назорат ўрнатилиб, вилоят санитария-эпидемиология хизмати билан ҳамкорликда ҳудудлардаги сув тармоқларидан 394 та намуна олиниб ўрганилди. Таҳлиллар натижасида 4 та намунада давлат стандартларига номувофиқлик аниқланиб, зудлик билан зарарсизлантириш ишлари амалга оширилди ва сув сифати ўзМСТ 133.2024 талаблари даражасига келтирилди.

юборилди ҳамда 1 миллиард 620 миллион сўм қўшимча тўловлар ҳисобланди. Шунингдек, 92 та бюджет ташкилотининг 45 тасида хизматлардан фойдаланиш қоидалари бузилгани аниқланиб, 111 миллион сўм жарима қўлланилди.

Эр ости сув манбаларидан фойдаланиш ҳам назорат остига олиниб, 135 та қудуқда ўрганиш ишлари олиб борилди. Рухсатсиз қазилган 9 та қудуқ аниқланиб, масъулларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Техник жиҳатдан эса 58 та техник шарт ўрганилиб, 4 тасида камчилик аниқланиб бартараф этилди. Янги қамраб олинган ҳудудларда 70 та хонадон билан шартнома расмийлаштирилди. Шунингдек, 60 та техник носозлик аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича мажбурий кўрсатмалар берилди. Аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш даражасини ўрганиш мақсадида 58 та маҳаллада мониторинг ишлари олиб борилди ҳамда сувдан оқилона фойдаланиш бўйича 58 та тарғибот тадбири ташкил этилди.

“Ягона давлат назорати” ахборот тизими орқали ўтказилган 19 та назорат тадбири давомида аниқланган камчиликлар учун 74 миллион сўм миқдорда жарималар қўлланилди. Мазкур йўналишда ишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 апрелдаги ПФ-66-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 494-сон қарори ҳамда инспекциянинг 2025 йил 30 июндаги 24-сон бўйруғи асосида олиб берилмоқда. Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, ҳудудий инспекцияларга сув таъминоти ташкилотлари тасарруфидоги ичимлик ва оқова сув иншоотларини технологик аудитдан ўтказиш вазифаси юклатилган.

Белгиланган режа асосида 2026 йил январь-апрель ойларида жами 25 та иншоотда технологик аудит ўтказиш кўзда тутилган бўлиб, хозирга қадар 22 та объект ўрганилди. Жумладан, 2026 йил 14 апрел куни “Фаргона сув таъминоти” АЖ Қўқон шаҳар филиалига қарашли Мингтут сув иншоотида технологик аудит ўтказилди. Мазкур иншоот 1982 йилда қурилган бўлиб, лойиҳа қуввати соатига 2016 м³ ни ташкил этади. Ҳозирда 1750 м³ қувват билан фаолият юритмоқда.

Объект ҳудудда ҳар бири 10 минг м³ сизимга эга бўлган 2 та резервуар мавжуд бўлиб, уларнинг умумий сизими 20 минг м³ ни ташкил этади. Иншоот орқали 950 дан орტიқ истеъмолчиларга ичимлик суви етказиб берилмоқда. Шунингдек, ҳудудда 14 та сув қудуғи мавжуд бўлиб, уларнинг 8 таси ишчи, 6 таси захира ҳолатидадир. Ичимлик сув тармоғининг умумий узунлиги 45 километрни ташкил этади.

Умуман олганда, амалга оширилаётган назорат ва технологик аудит ишлари ичимлик суви таъминоти тизимининг ишончилигини ошириш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали аҳолига сифатли хизмат кўрсатишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

## Mas'uliyat va fidoyilik tutashgan nuqta

Bugungi kunda tibbiyot taraqqiyoti faqat zamonaviy texnologiyalar, ilg'or uskunalar yoki yangi davolash usullari bilan emas, balki o'z kasbiga sadoqat bilan xizmat qilayotgan malakali mutaxassislar va fidoyi pedagoglar faoliyati bilan ham belgilanadi. Ana shunday insonlardan biri – kardiolog shifokor, olim va pedagog Maqsud Tairovdur.



Buxoro davlat tibbiyot instituti va Buxoro viloyati RIKIATM shifokori Maqsud Tairov ko'p yillardan buyon yurak-qon tomir kasalliklarini aniqlash, davolash hamda ularning oldini olish yo'nalishida samarali faoliyat yuritib kelmog'da. U amaliy tibbiyotdagi boy tajribasini ilmiy izlanishlar bilan uyg'unlashtirib, kardiologiya sohasining rivojlanishiga munosib hissa qo'shib kelayotgan mutaxassislaridan sanaladi.

Mutaxassisning ilmiy va amaliy faoliyatida yurak-qon tomir kasalliklari profilaktikasi alohida o'rin tutadi. Aholi orasida sog'lom turmush tarzini targ'ib etish, kasalliklarning kelib chiqishiga sabab bo'luvchi xavf omillarini kamaytirish, kasalliklarni erta aniqlash va samarali davolash masalalari uning ilmiy izlanishlari hamda amaliy faoliyatining ustuvor yo'nalishlaridan biridir.

M. Tairov nafaqat tajribali shifokor, balki yosh avlodni tarbiyalashdek mas'uliyatli vazifani ham sharaf bilan ado etib kelayotgan pedagogdir. U bo'lajak shifokorlarni zamonaviy tibbiyot talablariga mos ravishda tayyorlash, ularga chuqur nazariy bilim berish bilan bir qatorda, amaliy ko'nikmalarni shakllantirishga ham katta e'tibor qaratadi. Talabalar bilan ishlash jarayonida kasbiy mas'uliyat, tibbiy etika va inson salomatligiga daxildir ham bir qarorgin ahamiyatini anglatishni ustuvor vazifa deb biladi.

Bugungi tezkor ilmiy taraqqiyot davrida malakali mutaxassis zamonaviy texnologiyalarni tibbiyot amaliyotiga joriy etish masalasiga ham alohida e'tibor qaratmoqda. Xususan, kardiologiyada sun'iy intellekt texnologiyalaridan foydalanish, yurak kasalliklarini erta aniqlash hamda diagnostika samaradorligini oshirishga qaratilgan qator xalqaro ilmiy loyihalarda faol ishtirok etayotgani uning yangilikka intiluvchan va ilg'or fikrlovchi mutaxassis ekanini yaqqol namoyon etadi.

Kasbga sadoqat, ilmga chanqoqlik va ustozlik mas'uliyatini o'zida mujassam etgan Maqsud Tairov bugun nafaqat malakali kardiolog, balki tibbiyot ta'limi rivojiga munosib hissa qo'shayotgan pedagog sifatida ham e'tirof etiladi. Uning shifokor, olim va ustoz sifatidagi faoliyati aholining salomatligini mustahkamlash, tibbiyot ilm-fanini rivojlantirish hamda kelajak avlod mutaxassislarini tarbiyalashdek ezuq maqsadlarga xizmat qilmoqda.

Bunday fidoyi insonlarning mehnati jamiyat salomatligini ta'minlash, tibbiyotning nufuzi va sifatini yuksaltirish yo'lidagi muhim omillardan biri bo'lib qolaveradi. Uning hayoti va kasbiy faoliyati esa yosh mutaxassislar uchun o'z kasbiga mehr, mas'uliyat va fidoyilik bilan xizmat qilishning yorqin namunasi hisoblanadi.

O'z muxbirimiz.

## БОШ ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Бухоро шаҳрида “Конгресс-холл мажмуаси” объекти қурилишини “калити билан” (turnkey) шарти асосида барпо қилиш, шу жумладан, лойиҳалаштириш, материаллар, асбоб-ускуналар ва жиҳозларни харид қилиш, объектни қуриш ва фойдаланишга топшириш мақсадида малакали ва молиявий барқарор бош пудрат ташкилотини танлаш бўйича

## ОЧИҚ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ!

Қурилиш-монтаж ишлари лойиҳасмета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда бошланиши назарда тутилган муносабати билан **ТИЖОРАТ ТАКЛИФИДА:**

- назорат ўлчови натижаларига мувофиқ аниқланадиган объект умумий қийматидан 10% қисmini қўришида таклиф этиладиган чегирма миқдори;
- объект фойдаланишга қабул қилингандан кейин туланадиган тўлов суммаси (фоизда, кафолат муддати тугагандан кейинги туланадиган тўловдан ташқари);
- объект бўйича кафолат муддатлари кўрсатилиши лозим.

Талабдорлар танлов бўйича лойиҳанинг дастлабки тавсифи, малака талаблари, баҳолаш мезонлари тўғрисидаги ва бошқа маълумотларни <https://nbuig.uz/uz/press-tsentr> сайтдан олишлари мумкин.



**Ҳужжатларни қабул қилиш муддати:** 2026 йил 19 июнь, соат 12.00 гача.

**Таклифлар қуйидаги манзилда қабул қилинади:**

**Буюртмачи:** Bukhara Forum Center” МЧЖ. **Алоқа телефони:** 93-733-99-96, Собиров Фитрат.

**Электрон почта:** sobirovfitrat80@gmail.com **Почта манзили:** Бухоро шаҳри, А. Навоий номидаги МФЙ, И. Каримов кўчаси, 31-уй.

Тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

## “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2026 йил 21 майдаги 204-сонли буюртманомасига асосан, “O'zbekiston bunyodkori” газетасининг 2026 йил 26 майдаги 39-40 (992-993)-сонли ва “Травда Востока” газетасининг 2026 йил 4 июндаги 112 (30 959)-сонлида чоп этилган эълонлар бўйича танлов савдоларига 19-3-сонли, умумий майдони 45,00 м² бўлган савдо шохобчаси чиқарилган бўлиб, ушбу савдо шохобчасининг бошланғич баҳоси ўзгартирилиб, 185 400 000 сўм, деб ўқилсин. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудда жойлашган савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи эълонда кўрсатилган бошқа маълумотлар ўзгаришсиз танлов савдолари ўтказилишини билдирмади.

**Асос:** “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2026 йил 4 июндаги 303-сонли хати. Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабдорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Таклифларни қабул қилишнинг охириги муддати:** 2026 йил 23 июнь кунини соат 16.00 гача.

**Талабдорларнинг таклифлари 2026 йил 25 июнь кунини соат 11.00 дан бошлаб қабул қилинади.** Энг юқори таклифни берган талабдор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу кунини бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2026 йил 9, 23 июль,

6, 20 август, 3, 17 сентябрь, 1, 15, 30 октябрь, 13, 27 ноябрь, 11, 25 декабрь кунлари сотилгунга қадар соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Савдода қатнашиш учун талабдорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари:**


- юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилган тўғрисидаги гувоҳномадан нусхаси;
- жисмоний шахслар – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

**Талабдорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 30 фойдасидан кам бўлмаган миқдордаги сумман закалат сифатида “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт:** 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAV BANK” Олмазор филиали МФО 0112 СТИР 311 041 441.

Таклифи маъқул топилган талабдорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Савдо ташкилотининг жойлашган, савдода ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Телефон:** 71-237-23-82.



**Тахрир хайъати:** Шерзод Хидоятлов (Тахрир хайъати раиси), Давронжон Адиллов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов, Козим Туляганов, Юлдаш Мағрулов, Бобир Элмуродов, Илхом Аҳмедов.

**Тахририят:** Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов  
Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Жўраева  
Саҳифаловчи – Акмал Маҳкамов  
Мусаҳҳих – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

**“Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:** Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик.  
“ЎЗТАШҚИЛТИ” МЧЖ,  
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ,  
“Книшлок қурилиш инвест” ИК МЧЖ,  
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

**Тахририят манзили:** 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

**Телефонлар:** 71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-208-12-00.  
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**Ҳудудлардаги мухбирлар:** Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.

Андижон вилояти: 93-410-15-18.  
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.  
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.  
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.  
Навоий вилояти: 99-731-17-40.  
Наманган вилояти: 91-365-07-36.  
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.  
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.  
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.  
Фаргона вилояти: 90-349-55-56.  
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-641. 1414 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. **Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41.

ЎЗА якуни – Топширилди – 2300.

## Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 12-15 июнь саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш ҳамда реновация лойиҳаларини умумлаштириш департаменти бош мутахассиси (Тошкент вилояти бўйича) **Акмал Хурсандий**, Лойиҳа фаолияти ва сейсмик хавфсизлик талабларини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Баҳромбек Раҳимов**, Давлат архитектура назорати департаменти бош мутахассиси (Андижон вилояти бўйича) **Бобомурод Атахонов**, Техник метёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти бош мутахассиси **Жасур Болтаев**, “Ўзоғирсанотлоиҳа” АЖ ООПР телефон оператори **Убайдулла Турсунходжаев**, УПРО севуви бўлими директор ёрдამчиси **Шайдулла Ашуров**, “O'zshaharsozlik LIT” ДМ “Хоразм” филиали етакчи архитектору **Умар Равшанбеков**, “Навоий” филиали етакчи архитектору **Камолiddин Комилов**,

Қашқадарё вилояти Қарши тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Рустам Исоқов**, “Иссиқлик таъминоти” АЖ “Самарқанд” филиали диспетчери **Фарход Ёрбеков**, Нотураш ва юридик истеъмолчилар билан ишлаш бўйича мутахассиси **Маҳбуба Худайбердиева**, “Қашқадарё” филиали РК-3 марказий қозонхонаси қорувли **Дилдор Ғайбуллаев**, “Навоий” филиали иссиқлик тармоқлари жиҳозларини таъмирлаш бўйича чилангар **Анвар Жумаев**, ҳаракат хавфсизлиги муҳандиси **Аслиддин Мирзақулов**, “Зарафшон” филиали бухгалтерли **Оксана Кривиносова**, Иссиқлик тармоқларига хизмат кўрсатиш бўйича чилангар **Лазиз Муқимов**, “Тошкент тумани” филиали қозонхона устаси **Илдар Юсупов**, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ижро назорати бўлими бошлиғи **Элёр Абдизимов**, Кўп квартиралли уйларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ва зилзилабардошлиғи мони-

торингини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Шерзод Каюмходжаев**, Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси мутахассиси **Ботирбек Назаров**, етакчи мутахассис **Акмал Эргашев**, Жиззах вилояти Арнасой туманидаги “Komunal Xizmat Boshqaruvi” БСК МЧЖ бош директори **Эркин Бурхонов**, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги “Bilyugabonu” БСК МЧЖ бош директори **Матлуба Тожиева**, Олмазор туманидаги “Olmazor Tamir Servis Boshqaruvi Kompaniyas” МЧЖ бош директори **Маҳбуба Жўраева**, Юнусобод туманидаги “ZarmetanServicePbk” МЧЖ бош директори **Нур-иლა Дехқонлов**ларни таваллуд кунини билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

“O'ZBEKISTON BUNYODKORI” ГАЗЕТАСИГА 2026 йил учун обуна давом этмоқда!

- uzbunyodkor.uz
- info@uzbunyodkor.uz
- uzbunyodkor
- t.me/uzbunyodkor
- uzbunyodkor
- qurilish.today